

Навбатдаги фуқаролар қабули бўлиб ўтди



Термиз туман аҳолисининг муаммо ва мурожаатларини мутасаддилар иштирокида ўрганиш ҳамда ечимини кутаётган масалаларни бартараф этиш мақсадида Термиз туман ҳокимлигида навбатдаги фуқаролар қабули ўтказилди.

Бугунги қабулда 15 нафар фуқароларнинг ўқиш ва даволаниш учун моддий ёрдам ажратиш, сув, электр энергияси ва газ таъминоти, йўл таъмири, ишга жойлашиш ва бошқа бир қатор масалалардаги мурожаат ва муаммолари масъуллар иштирокида тингланди.

Мурожаатларнинг айримлари шу ернинг ўзида ҳал этиб берилди. Ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиладиган мурожаатлар тегишлилиги бўйича масъулларга йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди.